

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

ҚАЛАНДАРОВ МАНСУР ЭРГАШЕВИЧ

ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (Хоразм вилояти мисолида)

**Ихтисослик: 5A230301 - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ташкил этиш” (тармоқлар бўйича)**

Иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва

ҳимояга қўйилди.

“Туризм”

кафедраси мудири,

доц. Садуллаев А.С. _____

“ _____ ” _____ 2013 й.

Илмий раҳбар

_____ проф. Ғойибназаров Б.К.

Илмий маслаҳатчи

_____ проф. Салаев С.К.

Урганч – 2013 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

ҚАЛАНДАРОВ МАНСУР ЭРГАШЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ
(Хоразм вилояти мисолида)**

**Ихтисослик: 54230301 - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ташкил этиш” (тармоқлар бўйича)**

Иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Урганч – 2013 й.

КИРИШ

I-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари

- 1.1. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти
- 1.2. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес ривожланиш даражасини баҳолашнинг услубий масалалари
- 1.3. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари

I боб бўйича хулоса

II БОБ. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолати таҳлили

- 2.1. Ўзбекистон иқтисодиёти ва унда кичик бизнеснинг кейинги йилларда барқарор суръатлар билан ривожланиши
- 2.2. Кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш хусусиятлари
- 2.3. Қишлоқ ҳудудларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари

II боб бўйича хулоса

3-БОБ. Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари

- 3.1. Ўзбекистонда аграр тармоқнинг ривожланиши ва соҳадаги ислохотларнинг асосий натижалари
- 3.2. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришни ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида амалга ошириш чора-тадбирлари
- 3.3. Вилоятда қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес шакли сифатида фермерликни ривожлантириш истиқболлари

III боб бўйича хулоса

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотлари ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, айниқса, бу соҳага чекка қишлоқ ҳудудларида алоҳида эътибор қаратган ҳолда уни самарали ташкил этиш асосида қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлиги ва бандлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов КБХТнинг аҳамияти тўғрисида “...иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган КБХТни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш”¹ керак деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда КБХТ фаолияти ривожланишига қаратилган чоратадбирлар тизими, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари яратилган. Бу эса 2003-2012 йиллар давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар кўпайишига, 2012 йилга келиб 480 мингдан ортишига шарт-шароит яратди. Айни пайтда КБХТ соҳасида иш билан банд бўлганларнинг қарийб 75 фоизи меҳнат қилмоқда. Бунинг натижасида 2010 йилда республикаимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 52,5 фоизи КБХТ корхоналари томонидан яратилган бўлса, 2012 йилга келиб КБХТнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди².

Мамлакатимизда қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.- 42 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси \\\ Халқ сўзи. 2013 йил, 19-январь. № 21. 3-бет.

алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этгани ҳолда, бунда фермер хўжаликларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айнан мамлакатимиз, хусусан, унинг Хоразм вилоятининг қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишнинг объектив зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар К.Бадо, М.Блауг, Д.Бусыгин, М.Вебер, И.Н.Герчикова, П.Друкер, Р.Кантильон, Б.Карлоф, Дж.М.Кейнс, Д.Макелланд, А.Маршалл, Г.Пиншо, Д.Рикардо, Ф.Русинов, В.Савченко, А.Смит, А.Шапиرو, Й.Шумпетерларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

Ўзбекистон иқтисодиётида КБХТни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Б.Ходиев, А.Ваҳобов, Ш.Зайнутдинов, Қ.Муфтайдинов, Н.Тўхлиев, А.Ўлмасов, Ш.Эргашходжаева, С.Салаев, О.Арипов, Қ.Тоирбеков ва Н.Қосимовалар томонидан ўрганилган⁴.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларида иқтисодиётни

³ Блауг М. Экономическая мысль в перспективе Пер.с англ. 4 - е изд - М.: Дело ЛТД, 1994. - 424 с.; Савченко В. Феномены предпринимательства // Российский экономический журнал. - М.: 1995. - № 9 - 46. с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер.с англ. - М.: 1993 - 377 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер.с англ. -М.: 1992. - 169 - 170 с.; Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма.- М.:1990. - 85 с.; Друкер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. М.: 2005. - 191 с.; Карлоф Б. Деловая стратегия: концепция, содержание, символ. Пер.с англ. М.:1992. - 176 с.; Санто Б. Философия предпринимательства. Проблемы теории, практики управления. М.:1999 - №3 - 101 с.; Бусыгин Д.В. Предпринимательства: начальный курс. М.: 1992. 7 с.; Русинов, Ф.М. Возрождение предпринимательства в России. М.: 1999 - 28 с.

⁴ Қодиров А. Экономическая теория. - ТГТУ, 1999. 87. с.; Зайнутдинов Ш., Тураев Ж. Таваккалчиликни бошқариш. - Т.: 2005 6. б.; Улмасов. А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: 2006. 141-144 б.; Муфтайдинов.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2004. - 10 б.; Арипов О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2006 - 15 б.; Қосимова Н. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2007. - 13 б.; Тоирбеков Қ. Кичик бизнес корхоналари фаолияти барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2006. - 18 б.; Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. - Т.: 1993.- 14 б.; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларда кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси: и.ф.д илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2007.-17 б.

эркинлаштириш шароитида айнан қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари масалалари Хоразм вилояти мисолида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса тадқиқотларимиз йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Урганч Давлат университети Иқтисодиёт факультетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини асослаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди ва ҳал қилинди:

- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес фаолиятини амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамиятини асослаш;
- ривожланган мамлакатларда қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари бўйича таклифлар бериш;
- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва таснифлаш;
- миллий иқтисодиётда кичик бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолатини баҳолаш;
- республикамиз аграр секторида амалга оширилган ислохотларва уларнинг натижаларини солиштирма таҳлил қилиш;
- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини асослаш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти - Хоразм вилояти қишлоқ ҳудудларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари, **тадқиқот предмети** – қишлоқ ҳудудларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг ташкилий-

иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ва ривожланиш даражасини баҳолашнинг назарий –услубий масалалари
- кичик бизнес субъектлари ривожланиш кўрсаткичлари истиқболлари ва унинг мойиллик даражалари ҳисобланди;
- аграр секторла амалга оширилган ислохотларнинг натижалари ва устувор йўналишлари билан боғлиқ таклифлар;
- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес субъектлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ таклиф ҳамда тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва аҳамияти асосланиб, ривожланиш даражасини баҳолашнинг назарий –услубий масалалари тадқиқ этилди;
- ривожланган мамлакатларда қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари бўйича таклифлар берилди;
- қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқланди ва таснифланди;
- миллий иқтисодиётда миллий ва минтақавий иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг ривожланишининг жорий ҳолатига баҳо берилди;
- қишлоқ ҳудудларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланди;
- қишлоқ жойларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш аграр ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Хоразм вилояти қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришда замонавий

усулларни жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва кичик бизнесни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”, “Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” махсус курслари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотда ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар Боғот тумани қишлоқ ва сув хўжалиги амалий фаолиятида, “Бекчон сори” фермер хўжалиги амалий фаолиятида (*Маълумотнома №014, 2013йил 10 июнь*) қўллаш учун қабул қилинган. Шунингдек, диссертациянинг айрим назарий материалларидан Урганч Давлат университети Иқтисодиёт факультети ўқув жараёнларида (*Маълумотнома № 459, 2013 йил 22 июнь*) фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари муаллиф томонидан университет магистрантларининг илмий-амалий анжуманлари ҳамда семинарларида бир неча марта маъруза қилинган ва муҳокама этилган. Шунингдек, УрДУ “Туризм” кафедрасининг илмий-назарий семинарида томонидан ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий ғояси ва мазмуни 2 та мақола кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, **жами 104 бетда ифодаланган ва 15 тадан ортиқ жадвал ҳамда расмларни ўз ичига олган.**

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, тузилиши ва ҳажми баён этилади.

Биринчи боб - “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари” деб номланган бўлиб, қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик ва

бизнес фаолиятини амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти, ривожланган мамлакатларда қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ёритилган.

“Қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда инвестицияларни жалб қилишнинг жорий ҳолати таҳлили” номли **иккинчи бобда** миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолати, қишлоқ ҳудудларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган ва чуқур таҳлил қилинган.

“Қишлоқ ҳудудларида инвестицияларини жалб қилиш орқали тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” номли **учинчи бобда** қишлоқ жойларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўллари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Илмий ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий-амалий ишланмалар, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги жуда катта ютуқларга эришди. Республика қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли асосий қисмини аҳолимиз учун етарли миқдорда етиштиради. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жуда кўплаб кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ечиш ҳаётий зарурат, вазифа сифатида давлат олдида турар эди. Улардан айримларини эшлаш фойдадан холи эмас. Энг аввало аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат масаласини ижобий ҳал этиш керак бўлди. Халқ манфаати учун зарур бўлган бу муаммони амалга ошириш осон кечмади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг концепциялари ишлаб чиқилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш устивор йўналиш сифатида белгиланди ва энг аввало чуқур ислохотлар қишлоқ хўжалигида амалга оширила бошланди. Натижада пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида ҳаракатлар қилинди ва тарихан қисқа муддат ичида ушбу мақсадга эришилди. 1996 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси ғалла мустақиллигига эришди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сиёсат натижасида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий, ижтимоий ва мулкӣ мунособатлар ўзгариши юз берди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишнинг назарий асослари Президент

И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Президентимиз асарларида иқтисодий ривожланишнинг турли хил концепциялари таҳлил этилди.

Биринчи концепция – Асосий эҳтиёжлар концепцияси – аҳоли энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этишга қаратилган;

Иккинчи концепция – Мақбул ёки тегишли технология концепцияси – аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало, қишлоқ хўжалиги хомашёсини бирламчи ва чуқур қайта ишлашга қаратилган. Бу концепция энг илғор технологияларни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

Учинчи концепция – Ўз кучига жамоа бўлиб ишониш концепцияси – мавжуд заҳиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва мамлакат иқтисодиётини бошқа давлатларга қарамлигига барҳам беришга қаратилган;

Тўртинчи концепция – Янги халқаро иқтисодий тартиб концепцияси – ривожланаётган юртимизнинг иқтисодий қолоқлигини тугатиш ва бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида фаолият юритишига қаратилган.

Мамлакатимиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутларга барҳам беришнинг энг самарали усулларида бири жойларда, айниқса қишлоқларда кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш ҳисобланади. Қишлоқ ҳудудларида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий топиши қишлоқ аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб этиш, маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришнинг объектив зарурати қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар саноат учун алмаштириб бўлмайдиган хомашё ҳисобланади.

2. Қишлоқ ҳудудларида кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш ишлаб чиқаришнинг хомашёга яқинлашуви туфайли маҳсулотлар таннархининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Қишлоқда мураккаб бўлмаган технология билан ишлаш имкониятига эга бўлган меҳнат ресурслари мавжуд.

4. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга жалб этиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бўлиб, кичик ва ўрта саноат корхоналари бу муаммони ҳал этишга ёрдам беради.

5. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши қишлоқ аҳолисининг илмий-техника савияси, касб маҳорати ва малакасини оширишга хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида муайян техник билим-малака даражасини ҳам талаб қилади. Бу қишлоқда билим ва илмий-техника салоҳиятининг ошишига туртки бўлади.

6. Қишлоқда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта корхоналарнинг қурилиши тегишли ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини тақозо этиб, телефон, телеграф, йўллар, электрлаштириш, моддий-техника таъминоти шаҳобчалари, газ, ичимлик суви қувурлари, иситиш тизими каби объектлар ривож топади.

7. Кичик ва хусусий тадбиркорлик қишлоқдаги мавсумий ишсизликнинг олдини олишга имкон беради. Бандлик даражасининг юқорилиги ижтимоий барқарорлик ва аҳоли даромадлари ошишининг шартларидан ҳисобланади.

8. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий топиши натижасида саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги интеграция жараёнлари чуқурлашади. Интеграциянинг макро даражадаги самарадорлигининг ошиши иқтисодий фаолият доирасини кенгайтиради. Саноат инвесторларни ўзига доимо жалб қилиб келган тармоқ бўлганлиги сабабли маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг қишлоққа эътибори ҳам табиий равишда ортади.

9. Қишлоқда ишчи кучининг шаҳарга нисбатан арзонлиги кичик ва ўрта саноат корхоналарини қишлоқда жойлаштиришнинг манфаатли эканлигини билдиради ва ҳоказо.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бизнинг назаримизда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш кўпроқ самара берган бўлар эди.

Жамиятни ривожлантирадиган асосий куч манфаатдир. Шу сабабли барча қилинаётган ишлар мумкин қадар манфаатдорликка асосланиши керак. Шу ўринда иқтисодий манфаатни устун қўйиш зарур. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишни ўзига хос йўли президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Унинг асосини 5 тамойил ташкил қилиб уларнинг биринчиси иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигидир. Айнан шу тамойил иқтисодий манфаатни, иқтисодий ривожланишнинг биринчи даражали омили эканлигини ифодалайди. Ҳар бир хўжалик ўзи сарфлаган харажатларини олган тушум билан қоплаб, фойда олиши ҳам зарур. Бу тамойил хўжаликнинг энг бирламчи бўғинларигача етиб бориш керак.

Хўжалик раҳбарлари хўжаликда мавжуд бўлган мулкни сақлаш, уни кўпайтириш учун жавобгарликни аниқ ҳис қилишлари керак. Ҳиссадорлик, пайчиликга асосланган хўжаликларда ҳиссадорлар раҳбарлардан ўзларига тегишли мулкни сақлашни ва кўпайтиришни талаб қилишлари керак. Ҳиссадорларнинг шундай даражага кўтарилиши иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқади.

Дехқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигининг келажаги айнан шу турдаги хўжаликлар билан боғлиқ. Чунки юқорида қайд этилган иқтисодий манфаатдорлик дехқон ва фермер хўжаликларда бошқа турдаги ишлаб чиқариш корхоналаридагидан юқори. Жойлардаги раҳбар мутахассислар бунни қанча тез англаб етса шунча ривожланиш яхши бўлади.

Дехқонга фақатгина ер, мулк берган билан етарли натижага еришиб бўлмайди. Узоқ муддатга ерни ижарага бериш билан бир қаторда

етиштирилган маҳсулотни тасарруф қилиш имконини ҳам бериш керак. Етиштирилган маҳсулот фақат ихтиёрий шартномалар асосида сотилиши керак. Албатта давлат манфаати, буюртмалар асосида амалга оширилиб боради. Чунки ерга эгалик (ижара шартномаси асосида) масаланинг ярим ечими. Етиштирилган маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқи иккинчи ярим ечимидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг молиявий имкониятларининг шаклланиши ўзгачадир. Яъни йил давомида асосан фақат харажат, даромад эса йил охирида шаклланади. Демак қишлоқ хўжалигининг яхши ишлашидан манфаатдор тармоқлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар) йил давомида қишлоқ хўжалигини моддий қўллаб туриш имкониятлари устида ишлашлари керак. Бунинг йўлларида бири фючерс шартномалари асосида ишлашдир. Бу қайта ишловчи тармоқ учун ҳам яхши. Чунки қайси турдаги маҳсулот қанча ва қандай сифатда кераклигига қараб шартномалар тузади. Бозор шароитида зарар билан ишлайдиган ҳар бир корхона алоҳида таҳлил қилиниши ва бир тўхтамга келиниши маъқул. Бонкрот ҳолатига келган, шу шаклда тикланиши мумкин бўлмаган корхоналар тугатилиш ва ери аҳолига ижара шартномаси асосида тақсимланиб берилиши мақсадга мувофиқлигини президентимиз жуда тўғри белгилаб берди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни барқарор ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратилганлиги туфайли, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони ошиб, иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида

энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”⁵. Шу нуқтаи - назардан кичик бизнесни ривожлантириш учун солиқ ва кредит имтиёзлари муддатини узайтириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва такомиллаштириш жараёнларини давом эттириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу эса, авваламбор, тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан асослашни тақозо этади.

Тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятидир.

Агросаноат мажмуида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос турли мулкчилик йўналишларига асосланган тадбиркорлик субъектлари шакллантирилди. Айрим мулк турлари хусусийлаштирилиб, хусусий – якка, хусусий – корпоратив тадбиркорлик шаклларига айлантирилди (1.1.1-жадвал).

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш, мулккий муносабатларни ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Айниқса, бозор иқтисодиёти эркин хусусий мулксиз ривожланиши мумкин эмаслигига эътибор кучайтирилди. Бу борада қилинаётган катта ишлардан бири қишлоқ жойларда мулкдорлар синфини шакллантиришдир. Аста-секинлик билан бўлсада, хусусий мулкка асосланган тадбиркорлар синфи шакллантириляпти. Қишлоқ жойларда шаклланаётган тадбиркорлар синфи қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг барча шакллари билан бевосита биргаликда ривожланмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлар синфи ширкатларда, асосан фермер ва деҳқон хўжалиги шаклида вужудга келмоқда. Шу билан биргаликда қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ҳам тадбиркорлик ривожланмоқда.

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2009.- 46 б.

1.1.1-жадвал.


**Агросаноат мажмуида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик
субъектларининг мулкчилик шакллари⁶**

Тадбиркорлик шакллари	Тадбиркорлик соҳалари	Тадбиркорлик субъектлари	Мулкчилик шакллари
Хусусий-якка	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш:	• фермер хўжаликлари; • деҳқон хўжаликлари.	Хусусий мулк
	Хизмат кўрсатиш:	• маданий – маиший хизмат кўрсатиш кичик корхоналари; • савдо корхоналари; • пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари.	Хусусий мулк
	Қайта ишлаш:	• мева – сабзавотларни қайта ишловчи кичик корхоналар; • якка тартибда донни қайта ишловчи кичик корхоналар.	Хусусий мулк
Хусусий - корпоратив	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш:	• жамоа(ширкат) хўжаликлари; • агрофирмалар.	Жамоа мулки
	Хизмат кўрсатиш:	• Машина трактор парклари(МТП), • Муқобил машина трактор парклари(ММТП); • уруғлик билан таъминловчи корхоналар; • ўғит билан таъминловчи корхоналар; • сувдан фойдаланувчилар уюшмаси; • ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналари.	Жамоа мулки
	Қайта ишлаш:	• донни қайта ишловчи корхоналар; • пахта тозалаш заводлари; • қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида қайта ишловчи кичик корхоналар; • агрофирмалар.	Жамоа мулки

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик хусусий тадбиркорлик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бундан ташқари хунармандчилик, косиблик, новвойлик ва бошқалар бунга мисол бўлади. Уларнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигининг, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишларини 1.1.1-чизмада кўриш мумкин.

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.



1.1.1-чизма. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик Кодекси” нинг 39-моддасига мувофиқ: “Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган

ташкилот юридик шахс ҳисобланади”.* Юридик шахсларнинг фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган турлари тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган якка тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган кўпчилик қисми жисмоний шахс мақомида фаолият олиб боради. Давлат рўйхатидан ўтган деҳқон, фермер ширкат хўжаликлари юридик шахс мақомида фаолият олиб боради.

Жисмоний ва юридик шахс мақомига эга бўлган иқтисодий субъектлар мўътадил фаолият олиб боришлари учун ҳукуқий база яратилган ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

1.2. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес ривожланиш даражасини баҳолашнинг услубий масалалари

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2010 йил 1 январ ҳолатига КБХТ нинг республикаимиз ЯИМ даги улуши 50,1 фоизни ташкил этди ва 2000 йилга нисбатан ўсиш 1,6 мартадан ошди. Бу эса, албатта ҳукуматимиз томонидан КБХТ ни рағбатлантириш самараси ҳисобланади.

КБХТ нинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улуши ҳам ортиб, соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2009 йилда 16,9 фоизга, қишлоқ хўжалигидаги улуши 97,9 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши 23,7 фоизга, пуллик хизмат кўрсатишда 48,7 фоизга,

* Ўзбекистон Республикаси “Фуқоралик кодекси”.-Т.: Ўзбекистон, 2002. – 346.

экспорт ҳажмидаги улуши эса 14,6 фоизга етди⁷.

Мамлакатимизда КБХТ нинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ ва бошқа имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, 1996-2010 йиллар мобайнида КБХТ учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизгача, яъни 5,4 марта қисқарган. Биргина 2009 йилда тадбиркорликни ташкил этиш билан боғлиқ архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробаргача пасайтирилди.

КБХТ субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Биргина, 2009 йил давомида КБХТ субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ ёки 2001 йилга нисбатан қарийб 11,0 марта кўп кредитлар ажратилди⁸.

Бугунги кунга келиб, КБХТ иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш орқали аҳолининг бандлиги, даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилига айланди. Бундан ташқари, КБХТ республикамиз ҳар бир минтақаси ёки иқтисодиёт тармоғининг рақобатбардошлигини ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда, ижтимоий-сиёсий мўътадилликни сақлаб туришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамизда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш ҳукуматимизнинг асосий эътибор марказида бўлиб келаётган устувор масала ҳисобланади ва шу сабабли ҳам 2009 йил юртимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номланиб, бу борада махсус давлат дастури қабул қилинган эди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 70-71 б.

⁸ Ўша жойда: 73- бет.

Қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Президентимиз И.Каримов қуйидагича таъкидлайди: “Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутди...”⁹.

Шу сабабли ҳам, нафақат республика, минтақа, балки қишлоқ ҳудудларида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда даромадларини оширишнинг, қишлоққа саноатни олиб киришнинг энг муҳим йўналишларидан бир бўлган КБХТ ни қишлоқ ҳудудларида ривожлантириш, ҳар бир аҳоли яшаш пунктлари, қишлоқ жойлари (*фермер хўжаликлари уюшмаси, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, посёлкалар, қишлоқлар*) даражасида КБХТ ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини, уларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, таснифлаш, ҳисоблаш усулларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади¹⁰.

Албатта, қишлоқ жойларидаги тадбиркорлик ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари ҳисобланганда ёки қиёсий таҳлил этилганда қишлоқ жойлашган ҳудудий бирлик (туман, шаҳарча) ка нисбатан ҳисоблашлар амалга оширилади.

Бугунги кунда КБХТ нинг минтақавий даражадаги ривожланишини акс эттирувчи кўрсаткичларни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий кўрсаткичларга ажратиш мумкин. Агар ижтимоий кўрсаткичларга КБХТ да банд бўлганларнинг жами бандлар сонидagi улуши, КБХТ да банд бўлган ходимлар сони, КБХТ томонидан бир йилда яратилган иш ўринлари сони, бир йилда ташкил этилган ёки фаолиятини тўхтатган КБХТ субъектлари сони каби кўрсаткичларни киритсак, иқтисодий кўрсаткичларга эса минтақадаги

⁹ Ўша жойда: 83-бет.

¹⁰ Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида) . икт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2008.-208-215 бетлар; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, услубиёт ва амалиёт. - Т: Фан, 2007. – 256 б.;

КБХТ субъектлари сони, ҳар 1000 кишига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сони, КБХТ нинг минтақа ЯХМ даги улуши, КБХТ томонидан яратилган товар ва хизматлар миқдори, КБХТ субъектлари томонидан олинган ялпи фойда (зарар), КБХТ субъектларининг асосий фондлари қиймати, КБХТ га жалб этилган инвестициялар миқдори, КБХТ субъектларининг экспорти ва импорти миқдори каби кўрсаткичларни киритиш мумкин (1.2.1-жадвал).

1.2.1 – жадвал

Қишлоқда бандликнинг хусусиятлари ва омиллари

	Хусусиятлари	Омиллари
1.	Қишлоқ аҳолисининг мобиллиги пастлиги ва меҳнат бозори умумий тизимидаги киришдаги қийинчиликлар, тўсиқлар	Ишлаб чиқаришни марказлашувининг ва тарқоқлигининг паст даражаси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг табиий ресурсларни жойлашувига мансублиги, йўл-транспорт ва уй-жой инфратузилмаси коммуникациялари ривожланмаганлиги
2.	Қишлоқ ўжалиги ишлаб чиқариши натижалари ва ишчилар даромадларининг табиий омиллارга боғлиқлиги, қ.х.ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий аҳолининг нобарқарорлиги, йил давомида даромадлар тушишининг нотекислиги. Ўзгарувчан техника ва технологияларни қўллаш, мустақил қарорларни тезкор қабул қилиш зарурати, меҳнат фаолияти жараёнида қатъий регламентларга амал қила олмаслик. Янги саноат технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар	Ишлаб чиқариш кучларининг бевосита унсури сифатида ер в бошқа табиий ресурсларни ишлатиш, тирик организмлар билан ишлаш.
3.	Асосий қишлоқ хўжалик касблари ходимлари вазифаларининг хилма хиллиги	Ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланишининг паст даражаси
4.	Меҳнат ва касбий намоён қилиш соҳасини тнлашнинг чекланлиги	Иқтисодиётни диверсификацияла шувининг паст даражаси
5.	Фонд ва энергия қуролланганлигининг паст даражаси, ноқулай шароитларда ишловчи оғир жисмоний меҳнат қилувчи ишчиларнинг юқори улуши. Иш ҳақининг паст даражаси. ШТХда қўшимча бандликка зарурат. Ишчи кучи сифатининг нисбатан пастлиги	Ислохотлар даврида ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий инфратузилма ривожланиш даражасининг пастлиги
6.	Бандлик соҳасида ижтимоий ҳимоянинг йўқлиги	Расмий шартномавий муносабатларнинг етарлича ривожланмаганлиги
7.	Томорқа хўжаликлари иқтисодий натижала рини қишлоқ хўжалик ташкилотлари молия вий-иқтисодий ҳолатига и раҳбарлар субъектив муносабатларига боғлиқлиги	Қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва ШТХларининг ягона иқтисодий тизим сифатида фаолият кўрсатиши
8.	Ортиқча бандлик	Ишлаб чиқариш ҳажмларининг

	мажбурий қисқариши қишлоқ хўжалик ташкилотларининг кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш истаги
--	---

Бизнинг фикримизча, маълум бир вақт оралиғида (*асосан, бир йил, олти ой ёки чорак*) муайян бир қишлоқ жойида ёки қишлоқда (*фермер хўжаликлари уюшмаси, қишлоқ фуқаролар йиғини, посёлка, қишлоқ ва ҳ.к.*) КБХТ нинг ривожланишини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- муайян қишлоқ жойида ёки қишлоқда амалда рўйхатдан ўтган КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқда фаолият юритаётган ва вақтинча фаолият юритмаётган КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқда ёпилган ва янги ташкил этилган КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқда ҳар 1000 кишига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқдаги КБХТ субъектларининг туман КБХТ субъектлари ялпи маҳсулотидаги улуши
- қишлоқдаги КБХТ субъектларининг туман ЯҲМ даги улуши;
- қишлоқдаги КБХТ субъектларида банд бўлганларнинг қишлоқда жами бандлар сонидagi улуши;
- қишлоқдаги КБХТ да бандларнинг тумандаги КБХТ да жами бандлар сонидagi улуши;
- қишлоқдаги КБХТ субъектларида банд бўлганларнинг тумандаги КБХТ да жами бандлар сонидagi улуши;
- қишлоқда КБХТ да янгидан яратилган иш ўринлари сони;
- қишлоқда КБХТ да янгидан яратилган иш ўринлари сонининг туманда КБХТ да янгидан яратилган иш ўринлари сонидagi улуши;
- қишлоқда КБХТ субъектларининг тармоқ таркиби нисбатлари;
- қишлоқда КБХТ соҳасига жалб қилинган инвестицияларни тумандаги КБХТ субъектларига жалб қилинган жами инвестициялардаги улуши;
- қишлоқда КБХТ субъектлари экспорти (импорти) нинг тумандаги КБХТ

субъектлари жами экспорти (импорти) даги улуши;

- қишлоқда КБХТ субъектлари жами даромадларининг тумандаги КБХТ субъектлари жами даромадларидаги улуши;
- қишлоқда КБХТ субъектлари фаолиятидан олинган солиқ тушумларининг тумандаги КБХТ фаолиятидан олинган жами солиқ йиғимларидаги улуши;
- қишлоқдаги КБХТ субъектлари орқали яратилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг ҳажми салоҳияти;
- қишлоқдаги КБХТ субъектлари асосий фондлари қийматининг тумандаги КБХТ субъектлари асосий фондлари жами қийматидаги улуши ва ҳ.к.

Ўйлаймизки, юқоридаги кўрсаткичлар асосида республикаимиз минтақаларида қишлоқ ҳудудларида КБХТ нинг ривожланганлик даражасини баҳолаш соҳа ривожланишининг ахборот-услубий таъминотини янада такомиллаштирган бўлар эди.

1.3. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари шаклида ташкил этилади, бозор талаблари ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиришнинг таркиби ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикасида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида малакатда пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, Аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олиб ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Натижада ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган махсус тармоқ вужудга келди. Ғалла уруғчилиги кенг йўлга қўйилди, ғаллачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган зарур моддий – техника базаси яратилди. Республикада чорвачилик тармоғи деярли хусусийлаштирилди. Мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси ва уларни экспорт қилиш масалалари мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал қилинмоқда.

Фермер хўжалиги кишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг шаклларида бири сифатида узига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, буни куйидаги чизмада яққолроқ кўриш мумкин (1.3.1-жадвал).

1.3.1 - жадвал

Фермер хўжаликларининг хусусиятлари¹¹

1.	Ижтимоий-психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошлангич бугини - оила ва унга хос бўлган ахлоқий тарбиявий кадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий катлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан	Юридик шахс мақомига (уз баланси, ҳисоб раками, муҳри ва бошқа) эга бўлиши шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин.
4.	Ишлаб чиқариш воситаларига ҳуқуқий	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йуналтирилган товар хўжалиги
5.	Мулкий муносабатлар жиҳатидан	Ишлаб чиқариш йуналиши жиҳатидан мулкчилик; • Ер майдони узок муддатли ижарага (энг камида 10 йилдан узоғи билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб колдириш мумкин.
6.	Хўжалик юритиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажми жиҳатидан	Хўжалик юритиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажмининг куйи чегараси: - галла ва пахта етиштиришга ихтисослашганда камида 10 гектар; - богдорчилик, узумчилик в сабзовот полизчиликда камида 1 гектар; - чорвачиликда камида шартли 30 бош чорва моли бўлган тақдирда хар бир шартли бош мол учун вилоятлар ва ҳудудларга караб 0,3 - 0,45 гектардан (лалми ерларда 2 гектар).

Фермер хўжаликларининг ташкилий асослари. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги қонунининг 1-бандида “Фермер хўжалиги ўзига узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир” - деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январидagi “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига

¹¹ Муаллиф ишланмаси

айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори асосида республикада фермер хўжаликлари тез ривожлана бошлади. Ушбу сиёсат ривожлантирилиб 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарорига кўра паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликлари негизида танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида “...фермерчилик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истикболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда” - деб таъкидлади.*

Ширкат хўжаликларини тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида асосан олдин тармоқ ривожланишида тўсиқ бўлиб келаётган айрим омилларнинг салбий таъсирларининг олди олинди. Натижада қуйидагиларга эришишга мувофиқ бўлинди:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга кераксиз ёки яроқсиз бўлган мол-мулклар сотилди ва уларни сотишдан тушган маблағлар биринчи галда айланма маблағлар захираларини тўлдиришга йўналтирилди;
2. Фермерлар тендер асосида танлаб олинди; (малакали, моддий-техника ресурсларига эга, ишчи кучлари етарли, ишлаб чиқариш имкониятлари катталари танлаб олинди)
3. Қишлоқ деҳқонининг мулкка, ерга ва ўзи етиштирган маҳсулотларга эгалик қилиш кўламлари кенгайди;

* Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 70-б.

4. Ўз маҳсулотларини бозорда (шартномадан ортиқчасини) эркин сотиш имкониятлари кўпайди;
5. Меъёрдан ортиқча ишчи кучларининг қисқариб, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиб ишлашларига ва шу билан бирга кўшимча маҳсулот хизматларни бозорга таклиф этиш учун кенг имконият юзага келишига асос солинди;
6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, товар-моддий ресурслари етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ишлаб чиқарувчиларга янада яқинроқ жойларда жойлаштириш орқали фермер ва деҳқонларнинг бевосита ишлаб чиқаришдан ажралмасдан самарали меҳнат қилиши учун қулай имконият яратилди.

Фермер хўжаликлари қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, у ишлаб чиқариш шакли сифатида қуйидаги афзалликларга эга:

- хўжалик юретишнинг маҳаллий шароитларига тобора тезроқ мослаша олади;
- кичик тадбиркорлик субъекти сифатида катта эркинликларга эгаллиги;
- қарорларни қабул қилиш ва уларни бажаришнинг ўзгарувчанлиги ва дарҳол ишга туширилиши;
- фаолиятни амалга оширишнинг, айниқса бошқарув сарф-ҳаражатларини нисбатан камлиги;
- фермерларнинг ўз ғояларини амалга оширишларида ўз қобилиятларини намоён қилишда катта имкониятларга эга бўлиши;
- дастлабки капиталнинг камлиги ва маҳаллий бозорнинг талабларига маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларига тез ўзгартиришлар киритиш орқали жавоб бериш;
- ўз капиталининг нисбатан юқорида суръатларда айланиб туруши;
- тежамкорликнинг юқорилиги;
- ўзига ишониш даражасининг юқорилиги;
- синиб кетса ҳам мамлакат иқтисодиёти катта зарар кўрмаслиги.

Фермер хўжаликлари ижобий томонлари билан бир қаторда маълум камчиликларга ҳам эга:

- таваккалчилик ҳавф-хатарининг юқорилиги ва шу сабабдан бозордаги ўриннинг ҳам юқори даражадаги беқарорлиги;
- йирик корхоналарга боғлиқ бўлишлик;
- бошқарув ишидаги камчиликлар;
- раҳбарлик билимларининг етарли эмаслиги;
- хўжалик юритиш шароитлари ўзгаришига ортиқча сезувчанлик;
- қўшимча молиявий маблағлар ва кредит олишнинг қийинлиги;
- шартномалар тузишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончсизлиги ва эҳтиёткорлиги ва бошқалар.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида кичик тадбиркорлик субъектларига киради. Фермер хўжаликлари мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнесни улушининг ортишига таъсир кўрсатмоқда.

Республикамызда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда қўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий Банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган юримдик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди¹².

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан

¹² Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 178,6 млрд. сўмга етди. Ўтган 2008-2011 йиллар оралиғида жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 млрд. сўмни ташкил этди.

1.3.2-жадвал

Республика бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, млрд.сўмда¹³

Тадбирлар номи	Жами 2008-2011 йилларда	шу жумладан:			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналари орасида фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ фермер хўжаликларига истикболли йўналиш сифатида эътибор берилди. Раҳбарлар, мутахассислар ва олимлар бу хўжаликларнинг ривожланишга табиий шароит яратиб бердилар. Натижада фермер хўжаликлари тарихан қисқа даврда қишлоқ хўжалигида ўз фаолиятини олиб боришга ҳақли ишлаб чиқариш шаклларида бири эканлигини исбот қилди.

Фермер хўжаликлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуни ва ўз низоми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги асосида юритади. Дастлаб, фермер

¹³ Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

хўжаликлари устун даражада уларни ташкил этиш имкони катта зоналарда кўпроқ ривожлантирилди. Яъни ер майдонлари етарли, меҳнат ресурслари жуда кўп бўлмаган ерларда, заҳира ерларда кўпроқ ташкил этилди. Кейинги йилларда иқтисодий заиф, истикболсиз бўлган ширкатлар ҳам фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Фермер хўжаликлари давлат ерларида фаолият кўрсатадилар. Фермер хўжаликларига ер 50 йилгача, аммо 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Дунё мамлакатларида корхоналар ҳажми қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини минтақанинг табиий-иқлим шароитлари, ер ва географик, инсон омилини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий оқибат натижаларига кўра шаклланади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликларида етиштирилади. Канадада бир фермер хўжалигига ўртача 215 гектар, АҚШда 145 гектар, Германияда 19,5 гектар, Белгия ва Голландияда 17,0 гектар, Италияда 8,5 гектар ер тўғри келади.

Статистик маълумотларга кўра Хоразм вилоятида 2000 йилда жами ишловчилар сони 467,2 минг кишини ташкил қилган бўлиб, жами бандлар сонида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 187,2 минг кишини ташкил қилган, бу эса вилоятда жами иш билан бандларнинг 40 % ини ташкил қилади. 2006 йилда жами бандлар сони 538 минг кишига етди ва шундан қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 201,2 минг кишини ташкил қилди, бу эса жами бандларнинг 37,1 % ини ташкил этади. 2010 йилга келиб жами иш билан бандлар сони 606,7 минг кишига етган бўлиб, бунда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 204,2 минг кишига етди, бу эса жами бандларнинг 33,7 % ини ташкил қилади (1.3.3-жадвал).

1.3.3-жадвал

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони¹⁴ (минг. киши)

Кўрсаткич	2000	2002	2004	2006	2008	2010

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Жами вилоят бўйича ишловчилар сони	467,2	478,3	506,6	538	571,1	606,7
Шу жумладан:						
Қишлоқ хўжалигида бандлар сони	187,2	178,5	185,3	201,2	216	204,2
Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар улуши, %	40,0	39,8	36,5	37,1	38,0	33,7

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг объектив зарурати бир қатор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсири билан белгиланади. Сиёсий омил - қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётганларнинг сиёсий эркинлигини рўёбга чиқариш. Сиёсий эркинликни рўёбга чиқариш фермерларнинг ўз мулкига эга бўлишлари, ўз ишининг хўжайини бўлиши, ўз қарашларини эркин ифодалаши билан белгиланади. Ўз қарашларини эркин билдира оладиган, эркин ишбилармон эса самарали фаолият юрита олади ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошира олади.

Фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий омилларига энг аввало, мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш зарурати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарали шаклда ташкил этиш киради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор талабларига мослаштириш, уларнинг иқтисодий эркинликларини кучайтириш зарурати ҳам фермерчиликни ривожлантиришни объектив талаб қилади. Ижтимоий омилларга қишлоқ хўжалигида ишлаётганларнинг иқтисодий манфаатларининг юзага чиқиши, уларни ўзи хоҳлаган иш билан бандлигини таъминлашни яхшилаш кабилар фермерчиликни ривожлантиришга объектив таъсир кўрсатувчи омилларга киради.

I боб бўйича хулосалар


Бизнинг фикримизча, маълум бир вақт оралиғида (*асосан, бир йил, олти ой ёки чорак*) муайян бир қишлоқ жойида ёки қишлоқда (*фермер хўжаликлари уюшмаси, қишлоқ фуқаролар йиғини, посёлка, қишлоқ ва ҳ.к.*) КБХТ нинг ривожланишини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- муайян қишлоқ жойида ёки қишлоқда амалда рўйхатдан ўтган КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқда фаолият юритаётган ва вақтинча фаолият юритмаётган КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқда ёпилган ва янги ташкил этилган КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқда ҳар 1000 кишига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сони;
- қишлоқдаги КБХТ субъектларининг туман КБХТ субъектлари ялпи маҳсулотидagi улуши
- қишлоқдаги КБХТ субъектларининг туман ЯҲМ даги улуши;
- қишлоқдаги КБХТ субъектларида банд бўлганларнинг қишлоқда жами бандлар сонидagi улуши;
- қишлоқдаги КБХТ да бандларнинг тумандаги КБХТ да жами бандлар сонидagi улуши;
- қишлоқдаги КБХТ субъектларида банд бўлганларнинг тумандаги КБХТ да жами бандлар сонидagi улуши;
- қишлоқда КБХТ да янгидан яратилган иш ўринлари сони;
- қишлоқда КБХТ да янгидан яратилган иш ўринлари сонининг туманда КБХТ да янгидан яратилган иш ўринлари сонидagi улуши;
- қишлоқда КБХТ субъектлари фаолиятидан олинган солиқ тушумларининг тумандаги КБХТ фаолиятидан олинган жами солиқ йиғимларидаги улуши;
- қишлоқдаги КБХТ субъектлари орқали яратилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг ҳажми салоҳияти ва ҳ.к.

II БОБ. ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон иқтисодиёти ва унда кичик бизнеснинг кейинги йилларда барқарор суръатлар билан ривожланиши


Барчамизга маълумки, глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг республикамиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди (2.1.1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2.1.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда.

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди. Бироқ, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминламоқда (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар¹⁵.

Мазкур омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 трлн. сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда


Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин

¹⁵ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: ЎЗР Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юкори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 трлн. сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг республикаимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди (2.1.3-расм).




2.1.3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида бевосита Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлашга мустаҳкам замин яратди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига ва ажратиладиган кредитнинг ўсишига олиб келди (2.1.4-расмга қаранг).

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди.




2.1.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, млрд. сўм.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиха ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашга ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди (2.1.5-расмга қаранг).



2.1.5-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, млрд. сўм.

2012 йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 48,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестицияларнинг тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур. Банкларнинг роли иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўз инвестицион сиёсатида, айниқса аҳамиятлидир. Банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 20,4 трлн. сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик

тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда. Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узок муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Банкларнинг инвестиция кредитлари устувор равишда “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш”, “2012 йилги Инвестиция дастури” ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, КБХТ ни томонидан минитехнологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Натижада 2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5760 млрд. сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда мазкур банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича 8510 та якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга жами 810,0 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағнинг 294,8 млрд. сўми миқдорларнинг бадаллари ва 515,2 млрд. сўми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур кредитлар “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли равишда 15 йил муддатга 7 фоизли ставка бўйича ажратилмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кейинчалик ушбу корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш борасида ҳам банклар томонидан 2012 йилда салмоқли ишлар амалга оширилди.

2.2. Кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш хусусиятлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шиклланмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванқ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди.

Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда. Айнан шу сабабларга кўра йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатбардошлик даражаси кўтарилишига имкон берувчи энг муҳим омиллардан бири кичик корхоналарнинг бугун бир тармоғини вужудга келтиришга имкон берувчи қулай шарт-шароитларни яратишдирки, бундай корхоналар йиғиндиси рақобатли бозор муҳитини яратишга имкон берсин.

Демак, республикамиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Шундай экан,

минтакалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим¹⁶.

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугун мамлакатимиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиғи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, тизимли равишда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Яратилаётган янги иш ўринларининг катта салмоғи ҳам айнан шу соҳага тўғри келмоқда. Биргина кичик бизнес субъектлари учун ўтган 2012 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳажми **5 трлн. 346 млрд. сўми** (2011 йилга нисбатан 130 %) ташкил этди, шу жумладан:

- **48,5 млрд.сўм**– касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган замонавий билим ва кўникмаларни амалиётга татбиқ этиш учун;
- **80,1 млрд.сўм** – ёш oilаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун;
- **618,0 млрд.сўм** – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун;

¹⁶ Зиявиддинова Н. Иқтисодий эркинлик ва рақобат шароитида кичик бизнесда инновациялар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали. 2012 йил, № 6.

➤ **491,7 млрд.сум** – аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун¹⁷.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 2012 йил “Мустаҳкам оила йилида”- 618,1 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан - 33,3 млрд. сўм микдорида кредитлар ажратилган.

“Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни роли ва аҳамияти” мавзусида Халқаро конференция (2012 йил 12-14 сентябрь) бўлиб ўтди. Форумда кўплаб нуфузли Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан ТОРЕТ вакиллари, Жаҳон банки, Халқаро Молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёти банки вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди. Шунингдек, дунёнинг 45 мамлакати, хусусан, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Канада давлатларидан илғор экспертлар, Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Конференцияда асосий эътибор барқарор иқтисодиётни шакллантириш ва ижтимоий қайта ташкил этишни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим звено эканлигига ҳамда Ўзбекистонда ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан халқаро жамоатчиликни таништиришга қаратилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади – кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини доимий ошириб бориш ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари – замонавий бозор механизмларига, яъни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва

¹⁷ Эрназаров У.Т. Тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинар учун тақдимот материаллари.

самарадорлигини оширишни таъминлаш асосида мамлакатда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шарти эканлигига алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши – ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдиришнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайишининг жаҳон бозори талабларига мос экспорт таркиби кўпайишининг, янги иш ўринлари яратишнинг, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг ва шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнесга янги имтиёзлар яратиш республикамиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонун ва мъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили соҳада рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилингани, молиявий ҳисобот топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилгани давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви тубдан қисқарганининг амалий ифодасидир. Бу каби имтиёзлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, 1 январдан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилингани эътиборга молик.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини

божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари ҳам сезиларли даражада соддалаштирилди. Гап шундаки, айти шундаки, айти пайтда бизнесни рўйхатга олиш жараёни “бир дарча” таомйили асосида атиги икки кун ичида амалга оширилаяптики, бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мос келади¹⁸.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунга асосан, иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар берилди. Бунинг натижасида қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай корхона ташкил этилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий, хусусий тарбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиши учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

Корпоратив харидлар тизими кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим шаклларида биридир. 2013 йилда тизимга жалб этилган соҳа субъектлари сонини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 2086 йирик корхонада корпоратив харидлар механизмини жорий этиш ва харидлар умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

¹⁸ Эрназаров У. Тадбиркорлик равнақи ва ҳуқуқий асос. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 20февраль, № 35.

Олиб борилган тадқиқотларимизга кўра кейинги йилларда вилоят иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнеснинг улуши ошиб бораётганлигини кўришиз мумкин, баъзи тармоқларда баъзи йилларда бирмунча пасайишни ҳам кузатишимиз мумкин. Буни қуйидаги 2.2.1-жадвалда яққол кўришимиз мумкин.

2.2.1-жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўзгариши¹⁹, фоизда

Тармоқлар	Йиллар				
	2007	2008	2009	2010	2011
Саноат	23,7	23,6	26,4	30	32,7
Қишлоқ хўжалиги	98,8	99,3	99,3	100	96,6
Чакана товар айирбошлаш	42	43,9	47,3	49,3	42,7
Пуллик хизмат кўрсатиш	68,5	65,5	66,9	64,7	63,7

2007 йилда КБХТ нинг саноатдаги улуши 23,7 фоизни ташкил қилган, 2009 йилда 26,4 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 32,7 фоизни ташкил қилди. КБХТ нинг саноатдаги улуши 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 9 фоизга ўсганини кўришимиз мумкин.

КБХТ нинг вилоятимиз қишлоқ хўжалигидаги улушини кўрадиган бўлсак бир мунча ўзгаришларни (ўсиш ва камайиш) кўришимиз мумкин. 2007 йилда 98,8 фоизни ташкил қилган, 2009 йилда 99,3 фоизни ташкил қилган бўлиб, бунда 2007 йилга нисбатан 0,5 фоиз ўсиш кузатилган. 2011 йилга келиб КХБТ нинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 96,6 фоизни ташкил қилди ва 2009 йилга нисбатан 2,7 фоиз камайиш кузатилган.

Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ нинг улуши кейинги йиллардаги улушида камайиш кузатилди, яъни 2007 йилда КБХТнинг хизмат кўрсатиш соҳасида улуши 68,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб 66,9 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2011 йилда эса 63,7 фоизни

¹⁹ Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

ташқил қилди. Йиллар бўйича солиштирадиган бўлсак 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 4,8 фоиз камайиш кузатилган.

Кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш муаммоси ҳам ҳал этиб борилади. Тадбиркорлар ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият аъзоларининг ҳам даромад билан таъминланишига моддий негиз яратадилар.

Умуман олганда, республика ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони ортмоқда (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони динамикаси²⁰ (минг киши ҳисобида)

Худудлар	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	145,9	160,1	109,7	104,1	109,7	105,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	176,4	207,5	117,6	197,3	209,7	106,2
Бухоро	161,5	165,6	102,5	140,8	144,0	102,2
Жиззах	68,2	80,6	118,1	84,7	100,8	119,0
Қашқадарё	201,5	231,4	114,8	149,3	172,6	115,6
Навоий	150,6	165,4	109,8	56,6	59,4	104,9
Наманган	160,5	171,8	107,0	148,9	142,6	95,7
Самарқанд	228,1	228,7	100,2	218,9	250,7	114,5
Сирдарё	58,6	68,7	117,2	72,6	93,9	129,3
Сурхондарё	140,3	162,8	116,0	175,4	193,6	110,3
Тошкент	256,4	274,4	107,0	191,1	206,4	108,0
Фарғона	266,8	299,8	112,3	222,0	286,8	129,1
Хоразм	118,6	125,2	105,5	161,2	146,7	91,0
Тошкент ш.	418,0	437,6	104,6	171,1	221,5	129,4
Республика бўйича	2551,7	2779,8	108,9	2094,3	2338,4	111,6

2.2.2-жадвал маълумотларининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси

²⁰ Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2551,7 минг кишидан 2779,8 минг кишига ёки 8,9 фоизга ўсган. Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони 2094,3 минг кишидан 2338,4 минг кишига етди ёки 11,6 фоизга ўсди. Бундай тенденция республиканинг барча ҳудудларида ҳам кузатилган. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб (2011 йил) мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

КБХТ соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ЯИМдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ЯИМнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2012 йилда эса 54,6 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан қарийб 24 фоизга ўсди.

Ривожланган мамлакатлар ЯИМда КБХТнинг улуши 60-70 фоизни ташкил этади ва соҳада иш билан банд бўлган аҳолининг 70-80 фоизи меҳнат қилади. Ўзбекистон Республикасида истиқболда КБХТнинг мамлакат ЯИМдаги улушини бунданда ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Аграр соҳада кичик тадбиркорликнинг самарали ривожланиши йиллар давомида республикада вужудга келган муаммоларни бартараф этиш имконини берди ва бугунда фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг деярли 90,0 фоизини ишлаб чиқаришга эришилди. Агар КБХТнинг ривожланиш ҳолатини ҳудудлар бўйича таҳлил этсак, алоҳида ҳудудларда ҳали ҳал этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд.

Хоразм вилоятида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича маълумотларни 2.2.3-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.2.3-жадвал

Хоразм вилояти туманларида кичик бизнес корхоналар сони ўзгариши²¹

Шаҳар ва туманлар	2009 йил	Шу жумладан		2011 йил		2011 йил
	1 январига рўйхатга олинган	Кичик корхона	Микро фирмалар	1 январига рўйхатга олинган	Фаолият юритаётган корхона лар	2009 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Боғот т.	2430	320	1947	2530	2077	104,1
Гурлан т.	3057	205	2679	3100	2720	101,4
Қўшқўпир т.	3035	267	2580	3157	2821	104,0
Урганч т.	3180	140	2848	3339	2997	105,0
Хазорасп т.	3008	252	2493	3034	2892	100,9
Хонқа т.	3258	140	2955	3333	3137	102,3
Хива т.	3337	214	2864	3529	2878	105,8
Шовот т.	3261	212	2843	3442	3217	105,6
Янгиариқ т.	2800	185	2487	2944	2606	105,1
Янгибозор т.	2183	265	1807	2226	2079	102,0
Урганч ш.	3707	257	2800	3769	3005	101,7
Жами:	30826	2457	28303	34403	30429	111,6

2.2.3-жадвалга мувофиқ 2011 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сонини 2009 йил 1 январ ҳолатига таққослайдиган бўлсак, ҳар бир туман бўйича ўсишни кузатишимиз мумкин. Вилоят қишлоқ хўжалигининг самарали фаолият юритаётганлигини унда яратилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва унинг қайси хўжалик тоифалари бўйича яратилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулот келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилидаги ҳар бир иқтисодий минтақанинг улуши ҳудудлардаги яратилган шароит ва ундан фойдаланиш қобилияти асосан ҳар хил динамик ҳолатда бормоқда. Буни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2007 йилда яратилган жами ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 63,5 фоизи деҳқон хўжаликларида, 1 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида ва 35,5 фоизи фермер хўжаликларида яратилган. Бу кўрсаткичларни 2009 йилга нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак

²¹ Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

69,2 фоизи деҳқон хўжаликларига, 1,1 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарига ва 29,7 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 69,4 фоизи деҳқон хўжаликларига, 1,3 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарига ва 29,3 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини кўришимиз мумкин (2.2.4-жадвал).

2.2.4-жадвал

Хоразм вилоятида хўжалик тоифалари бўйича ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши (% ҳисобида)²²

Йиллар	Хўжаликлар		
	Деҳқон хўжаликлари	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари
2007	63,5	1	35,5
2008	71	1,1	27,9
2009	69,2	1,1	29,7
2010	66,8	1,3	31,9
2011	69,4	1,3	29,3

Фикримизча, озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга асос бўлади ва йирик қайта ишловчи саноат корхоналари улушининг камайишини тармоқ бўйича тўлдириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, қишлоқда иш қидириб юрган ёшлар ва аёлларнинг иш билан бандлигини оширади.

2.3. Қишлоқ ҳудудларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини таъминлаш тизимининг асосий бўғини бўлиб инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Ваҳоланки, хориж тажрибаси кўрсатишича, аграр тармоқни барқарор ривожлантиришнинг асосини инвестицион жараёнларни такомиллаштириш ва жозибадорлигини оширишни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, тутган ўрни ва

²² Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоблари

мавжуд табиий-ташкилий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тармоққа инвестицияларни кенг жалб этиш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш босқичида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ, қишлоқ хўжалигининг дастлабки босқичларида камдаромадлилиги, ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлган хатарларнинг юқорилиги, инвестицияларни жалб этишнинг бозор тамойилларига мос, мукамал механизмларининг шаклланмаганлиги сабабли аграр тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги пастлигича қолмоқда. Шунингдек, давлат томонидан инвестицияларни жалб этиш хажмининг қисқариб бориши. Масалан, Хоразм вилоятида 2009 йилда иқтисодиётга жалб қилинган жами инвестицияларнинг атиги 0,4 фоизи, 2011 йилда жалб қилинган инвестицияларнинг 1,1 фоизигина қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади.

Аграр иқтисодиётининг устувор соҳаларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали, янги ишчи ўринларини яратиш, ҳар бир ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ўсишини таъминлаш ва аграр тармоқ экспорт имкониятларини ишлаб чиқариш соҳасига янги технологиялар киргизиш орқали амалга ошириш муҳим иқтисодий тадбир ҳисобланади. Бу эса, ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини ўрганиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширилишини тақозо этади:

- мавжуд демографик, минерал, хом-ашё ер сув ресурслари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш;

- 2006-2011 йиллар давомида амалга оширилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳалар портфели асосида ҳудудни инвестицион сиғимини аниқлаш;

- корпорациялар, концернлар, турли шаклдаги корхоналар, фермер хўжаликларининг хорижий инвестицияларга бўлган истикболдаги эҳтиёжларини ўрганиш;

- кичик фермер ва деҳқон хўжаликларининг инвестицион лойиҳаларини ўрганиб чиқиш;

- вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарининг импортга бўлган талаби ўрганиб чиқилиб, импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Инвестицияларни жалб этишдаги бундай салбий ҳолатлар аграр

тармоқни ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва пировардида барқарор ривожлантиришга эришишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу жараёнларни ижобий ҳал этишда, авваламбор тармоқлараро инвестициялаш таркибини такомиллаштириш, аграр соҳага ажратиладиган инвестициялар миқдорини ошириш талаб этилади. Бу эса, молиявий, кредит, товар ва лизинг инвестицияларини аграр тармоқнинг етакчи ва асосий бўғинлари ҳисобланган агротехнологик жараёнларни такомиллаштириш, моддий-техника ресурслари таъминотини кўпайтириш ва инвестицияларни иновацион ишлаб чиқаришга йўналтиришни талаб этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизация даражасининг пасайиб кетаётганлиги сабабли, аграр тармоқда амалга ошириладиган инвестиция сиёсати қўл меҳнати улушини қисқартиришга қаратилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам инвестицияларни жалб этишдаги устуворлик қишлоқ хўжалигида механизациялаштириш даражасини ошириш, замонавий технологияларни жорий этишга берилиши керак.

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг суғорма деҳқончиликка асосланганлигидан келиб чиққан ҳолда, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилаётган инвестициялар бевосита атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларини етарли даражада ўзида акс эттирмайди. Пировардида эса, атроф-муҳитнинг бузилишига олиб келиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида инвестиция сиёсатини амалга оширишда авваламбор, ер-сув, моддий-техника ва технологик ресурслар, иқтисодий ва экологик омилларни ўзаро мутаносиблигини таъминлайдиган инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиши ва уларнинг молиялаштирилиши амалга оширилмоғи лозим.

Аграр тармоқни ҳозирги ривожланиш босқичида сақланиб келаётган табиий-иқтисодий номутаносибликлар, фермер хўжаликларини устувор ривожланишини таъминлашда инвестицион жараёнларни ташкил этишга янгича ёндашувни талаб этади. Чунки, фермер хўжаликларининг дастлабки шаклланиш ва ривожланиш босқичида уларнинг ички фаолиятидаги амалий тажриба, маблағ етишмаслиги, ер ресурсларининг унумдорлигини ошириш

ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда имкониятларининг чекланганлиги сабабли, авваламбор, давлат томонидан амалга ошириладиган инвестиция сиёсатини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Шунингдек, ташқи жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг яратилганлигига қарамай, аграр тармоқда уларнинг улуши пастлигича қолмоқда.

2.3.1-жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг тармоқлари бўйича тақсимланиши²³, фоизда

Тармоқлар	Йиллар		
	2009	2010	2011
Саноат	22,8	18,2	6,1
Қишлоқ	0,4	0,7	1,1
Транспорт ва алоқа	5,7	64,1	88,1
Қурилиш	36,6	4,5	0,8
бошқалар	34,5	12,5	3,9

Хоразм вилояти иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2009 йилда иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларнинг 22,8 фоизи саноатга, 0,4 фоизи қишлоқ хўжалигига, 5,7 фоизи транспорт ва алоқа тармоғига, 36,6 фоизи қурилишга ва 34,5 фоизи қолган бошқа тармоқларга йўналтирилган. Бу кўрсаткичларни 2011 йил бўйича таҳлил қиладиган бўлсак 6,1 фоизи саноатга, 1,1 фоизи қишлоқ хўжалигига, 88,1 фоизи транспорт ва алоқа тармоғига, 0,8 фоизи қурилишга ва 3,9 фоизи бошқа тармоқларга жалб қилинган (2.3.1-жадвал).

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнлардаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларни хал этиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши ҳамда инвестиция фаоллиги ва унинг самарадорлигини ошириш учун юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирлар, авваламбор, иқтисодий, ижтимоий ва экологик башоратларга асосланмоғи лозим.

²³ Муаллиф томонидан ҳисобланган

Чунки аграр тармоқда инвестицияларни жалб этишдан юқори самарага эришишда нафақат иқтисодий балки, ижтимоий ва экологик жиҳатлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурлари ва лойиҳалари иқтисодий-ижтимоий ва экологик йўналтирилган бўлмоғи лозим.

Таҳлилларимизга кўра, қишлоқ хўжалигининг бугунги мавжуд инвестицион фаоллиги ва жозибадорлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- аграр тармоқда инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини реал шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаш;

- инвестицион жараёни илмий ва амалий асосланган баҳолар тизими билан таъминлаш;

- имтиёзли кредит, солиқ ва амортизация сиёсатини амалга ошириш;

- лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш учун қулай ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

- хуудлар даражасида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос реал хусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқишни амалга ошириш;

- корхоналар, жумладан, фермер хўжаликлари даражасида фаолиятни ташкил этишда бизнес режалар ишлаб чиқишни такомиллаштириш ва унда инвестиция фаолиятини асослаш ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқлаш кабилар.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга алоҳида эътибор бериш ва енгилликлар яратилганлиги туфайли, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Жумладан, 2008 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 678770,4 млн.сўмни ташкил қилди, 2009 йилда 774826 млн.сўмни, 2010 йилда 989744,2 млн.сўмни ва 2011 йилга келиб 1181911,1 млн.сўмни ташкил қилди. Мазкур йилларда яратилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини таркибий жиҳатдан ўрганиб чиқсак, 2008 йилда яратилган 678770,4 млн.сўмлик қишлоқ

хўжалиги ялпи маҳсулотининг 317455,2 млн.сўмга тенг қисми деҳқончилик соҳасида яратилган, қолган 361315,2 млн.сўмга тенг қисми эса чорвачиликда яратилган. 2009 йилда мос равишда 374843,5 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деҳқончиликда яратилган бўлса, 399982,5 млн.сўм қисми чорвачиликда яратилган.

2.3.2-жадвал

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўсиши²⁴

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
		2008	2009	2010	2011
Қишлоқ хўжалигининг ЯХМдаги улуши	%	39,3	37,2	35,9	35,9
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	678770,4	774826	989744,2	1181911,1
Ўтган йилга нисбатан %	%	102,8	106,1	105	101,8
Шу жумладан		317455,2	374843,5	514968,3	571187,6
деҳқончилик	млн сўм				
Ўтган йилга нисбатан %	%	99,2	107,2	103,3	98,3
Шу жумладан		361315,2	399982,5	474775,9	610723,5
чорвачилик	млн.сўм				
Ўтган йилга нисбатан %	%	106,6	105,2	106,5	105,6

2010 йилда яратилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 514968,3 млн.сўмлик қисми деҳқончиликда яратилган бўлса, 474775,9 млн.сўмлик қисми чорвачиликда яратилди, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич мос равишда 571187,6 млн.сўмлик қисми деҳқончиликда яратилди ва қолган 610723,5 млн.сўмлик қисми чорвачиликда яратилди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий асосларини яратиш, авваломбор тармоқда инвестиция фаоллигини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти реал секторлари ичида қишлоқ хўжалиги энг кам инвестиция жалб этилаётган соҳа бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишнинг ички ва ташқи омиллари, заҳиралари, салоҳияти ва

²⁴ Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

имкониятларини талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблигини аниқлаш муҳим иқтисодий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хоразм вилоятида инвестиция фаоллигини оширишдаги асосий имконият унинг қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг кескин камайиб кетмаслиги, бугунги кунда шаклланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун барча шарт шароитларнинг мавжудлигидир. Шунингдек, инвестиция фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиб, келажакда фермер хўжаликларининг устувор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Вилоятда ширкат хўжаликларини 2010 йилга бориб, батамом тугатиш башорат қилинмоқда. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, энг асосийси қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка асосланган хўжалик шакллариининг асосий қишлоқ хўжалиги субъектига айланишидир.

Инвестиция фаоллигини оширишда келажакда, деҳқон ва фермер хўжаликларининг устувор ривожланиши энг асосий омил ҳисобланади. Чунки бу ерда бозор тамойилларига мос инвестор – инвестициядан фойдаланувчининг ўзаро манфаатлари тўлиқ мос келадиган инвестиция муҳити шаклланади. Шунингдек, инвестицияга бўлган талаб субъект – деҳқон – фермер хўжаликлари ҳар томонлама инвесторлар талабига жавоб берадиган субъектлар бўлиб, бир томондан улар доимо инвестиция маблағларига эҳтиёж сезсалар, иккинчидан эса инвесторлар маблағларини жалб этиш орқали даромад олишларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Шунингдек, инвестиция фаоллигини оширишнинг хўжаликларнинг ички салоҳияти, имкониятлари ва инвестицияларга бўлган талаб даражасининг ҳолатини ўрганиш асосида, уларнинг ташқи омиллар билан қай даражада ўзаро мутаносиблиги ёки мос келишини таққослаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжаликлар, хусусан фермер хўжаликлари фаолиятининг ривожланганлик даражасига кўра турлича бўлиб, уларни 3 тоифага бўлиш мумкин. Яъни;

Биринчи тоифа, янги ташкил этилган хўжаликни мустақил бирламчи бошқариш ва унинг фаолиятини мустаҳкамлаш жараёнини бошидан кечираётган моддий-молиявий ресурсларга мухтож фермерлар.

Иккинчи тоифага-маълум даражада амалий тажрибага эга бўлган ва

молиявий натижаларга кўра фойда олиш ҳамда ўртача рентабелликка даражасига эришган, бироқ, ўзини-ўзи инвестиция билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган фермерлар.

Учинчи тоифадагилар илғор фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, интенсив ривожланишга эришган, зарур моддий техника воситаларига эга бўлган, бозорга сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлашни қисман йўлга қўйган ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган, ўзини-ўзи ички ресурслар ҳисобига асосан молиявий маблағлар балан таъминлаш имкониятига эга бўлган хўжаликлар.

Хоразм вилоятида фаолият юритаётган фермерларнинг асосий қисмини 1 ва 2 тоифага киритиш мумкин. Бу эса инвестиция жараёнларни ривожлантириш устувор вазифа эканлигини кўрсатмоқда. Инвестиция фаоллигини ошириш стратегияси ана шу иккита турли тоифага кирувчи хўжаликларни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоғи керак. Биринчидан, фермер хўжаликларини ресурслар бозорига жалб этиш ва даромадли фаолият соҳасини ривожлантириш орқали инвестиция фаоллигини оширишнинг иқтисодий стратегиясини шакллантириш, иккинчидан эса, янги ташкил этилган амалий тажриба ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ички ресурслари чекланганлиги ёки эга бўлмаган фермерларни қўллаб-қувватлаш учун мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш.

Ушбу иккала устуворликни амалиётда қўллашда юқорида таъкидланган фермер хўжаликларининг тоифалари нуқтаи назаридан табақавий ёндашув талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида бизнинг фикримизча инвестиция фаоллигини оширишда, даставвал бевосита тармоқда ва хўжаликларда мавжуд бўлган маҳаллий ресурсларни жалб этишга устуворлик берилмоғи лозим. Жумладан:

- **инсон капитали:** илм, малака, ишлаш қобилияти ва соғлиги, ўзининг фуқаролик бурчи, иқтисодий ва агротехнологик билимларга эга бўлиши;

- **ижтимоий капитал:** атрофдагилар билан бевосита ва билвосита ижтимоий алоқалар ва ўзаро муносабатлар, ўзгаришларга кўникиш қобилияти ва маъсулияти;
- **табiiй капитал:** табiiй ресурслар, шу жумладан, ер, сув ва атроф муҳит, яъни, улар тақдим этадиган имкониятлар;
- **жисмоний капитал:** хўжаликларда етиштириладиган маҳсулотлар ва мавжуд ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари;
- **молиявий капитал:** турли кўринишдаги молиявий ресурслар (пул, акциялар, қимматли қоғозлар).

Қишлоқ хўжалигида, асосий устувор ривожланишга эга бўлган фермер хўжаликларининг асосий қисмини давлат буюртмасини бажариш, уларни пахта, ғалла каби асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришларини молиявий маблағлар билан қисман таъминлаш имкониятини берсада, кенг қамровли фаолиятини ташкил этиш, моддий шарт-шароитини яхшилашлари учун қўшимча даромад манбаи яратишлари учун инвестицияларнинг етишмаслигини бошидан кечирмоқда. Бунинг ўзига хос сабабларидан бири, республика миқёсида молиявий маблағларнинг тақчиллиги бўлса, бошқа томондан эса, бевосита фермер хўжаликларининг молиявий ресурсларидан фойдаланишларининг даражасини пастлигидир.

2.3.1-расмда 2009-2011 йиллар мобайнида Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестицияларнинг хўжалик турлари бўйича тақсимланишини кўришимиз мумкин.



2.3.1-расм. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестицияларни хўжалик турлари бўйича тақсимланиши (минг сўмда).

2009 йилда фермер хўжаликларига 1454441 минг сўм миқдорида инвестициялар ажратилган бўлиб, мазкур йилда 448416 минг сўмлик инвестициялар қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган. Бу кўрсаткич 2010 йилда мос равишда фермер хўжаликларига 2557506 минг сўмни ташкил қилган бўлса, қишлоқ хўжалик корхоналарига 2627401 минг сўмлик инвестициялар ажратилган, 2011 йилда эса 7225667 минг сўмлик инвестициялар фермер хўжаликларига жалб қилинган бўлса, 4934610 минг сўмлик инвестициялар қишлоқ хўжалик корхоналарига жалб қилинганини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда юқорида таъкидлаганимиздек, аксарият фермерларнинг кичик хажмдаги молиявий ресурслар, лизинг орқали олинадиган техникаларга эҳтиёжларининг юқорилиги сабабли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фермер хўжаликларни бошланғич сармоя ажратиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар йилига 5 % ставкада энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида 18 ойгача бўлган муддатда, кичик бизнес, хусусан, фермер хўжаликларига ўз фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга Марказий банкнинг 12 % ли қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида 24 ойгача муддатга ва қайта молиялаш ставкасининг 50 % идан юқори бўлмаган ставкадан энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдорида 3 йилга қадар бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматини кўрсатишнинг кенг йўлга қўйилиши ҳозирги кунда фермер хўжаликлари инвестиция фаоллигини оширишда яратилган амалий шарт-шароитдир. Ушбу жараёнда уларга амалий ёрдам кўрсатувчи маслаҳат хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг фермер хўжаликларининг реал эҳтиёж ва имкониятларига мос бизнес режа ишлаб чиқишларида фаол иштирок этишлари таъминланмоғи лозим.

II боб бўйича хулосалар

Аграр иқтисодиётининг устувор соҳаларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали, янги ишчи ўринларини яратиш, ҳар бир ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ўсишини таъминлаш ва аграр тармоқ экспорт имкониятларини ишлаб чиқариш соҳасига янги технологиялар киргизиш орқали амалга ошириш муҳим иқтисодий тадбир ҳисобланади. Бу эса, ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини ўрганиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширилишини тақозо этади:

- мавжуд демографик, минерал, хом-ашё ер сув ресурслари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш;

- 2006-2011 йиллар давомида амалга оширилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳалар портфели асосида ҳудудни инвестицион сиғимини аниқлаш;

- корпорациялар, концернлар, турли шаклдаги корхоналар, фермер хўжаликларининг хорижий инвестицияларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш;

- кичик фермер ва деҳқон хўжаликларининг инвестицион лойиҳаларини ўрганиб чиқиш;

- вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарининг импортга бўлган талаби ўрганиб чиқилиб, импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Инвестицияларни жалб этишдаги бундай салбий ҳолатлар аграр тармоқни ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва пировардида барқарор ривожлантиришга эришишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу жараёнларни ижобий ҳал этишда, авваламбор тармоқлараро инвестициялаш таркибини такомиллаштириш, аграр соҳага ажратиладиган инвестициялар миқдорини ошириш талаб этилади. Бу эса, молиявий, кредит, товар ва лизинг инвестицияларини аграр тармоқнинг етакчи ва асосий бўғинлари ҳисобланган агротехнологик жараёнларни такомиллаштириш, моддий-техника ресурслари таъминотини кўпайтириш ва инвестицияларни иновацион ишлаб чиқаришга йўналтиришни талаб этади.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда аграр тармоқнинг ривожланиши ва соҳадаги ислоҳотларнинг асосий натижалари


Қишлоқ хўжалиги — мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса ҳам ашёга бўлган талабини қондиради.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикаимизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2012 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ республикаимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикаимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.



3.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, (% да)


Ўтган 2005-2012 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ўсиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилдаги 105,4 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 107,0 %га тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 % дан 2012 йилда 17,5 % га пасайиши ижобий ҳолдир. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 1990-2011 йиллар оралиғида дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробарга, узум 1,3 баробардан ортиқ, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2 баробардан ортиқ ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизни далили сифатида

юзага чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.



3.1.2-расм. Республика бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариши динамикаси, ц/га

Мустақиллик йилларида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлди. Хусусан, 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 % га, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 %га, картошка ҳосилдорлиги 80,0 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 %га, сабзавотлар ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 %га ва полиғ ҳосилдорлиги 115,0 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 % га ошган (3.1.2-расмга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобига аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли

жон бошига ҳисоблаганда меърга нисбатан етиштирилган маҳсулот ҳажми мевада 42,6 %ни, узумда 93,8 %ни, картошкада 29,8 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич мевада 119,7 %ни, узумда 156,3 %ни, сабзавотда 229,2 %ни, картошкада 135,4 %ни ва полизда 245,1 ни ташкил этди. 2012 йилда 1991 йилга нисбатан мева ишлаб чиқариш ҳажми 281,2 %га, узум 166,7 %га, сабзавот 186,9 %га ва картошка 453,6 %га ошганлиги бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини тасдиқлайди (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, кг	Ҳақиқатда, кг		1991 йилда меъёрга нисбатан, %да	2012 йилда	
		1991 йилда	2012 йилда		меъёрга нисбатан, %да	1991 йилга нисбатан, %да
Мева	56,4	24,0	67,5	42,6	119,7	281,2
Узум	25,6	24,0	40,0	93,8	156,3	166,7
Сабзавот	113,0	138,6	259,0	122,6	229,2	186,9
Картошка	50,6	15,1	68,5	29,8	135,4	453,6
Полиз	19,3	39,0	47,3	202,1	245,1	121,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикамызда асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори ҳам барқарор ўсиб бормокда. Жумладан, 2012 йилда аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш (сўйилган вазнда) 36,7 кг.ни (талабга нисбатан 91,8 %), сут 247,5 кг.ни (талабга нисбатан 176,8 %), тухум 131 донани (талабга нисбатан 108,4 %) ташкил этди.

Республикамыз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- мулкый ва таркибий ислохотлар;
- ердан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар;

- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислохотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислохотлар.

Таҳлилларимизга кўра, мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилган туб иқтисодий ислохотлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирлари натижасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари юзага келди;

- қишлоқ меҳнаткашларининг ер, мулк ва ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилишини кафолатловчи иқтисодий ҳамда ҳукукий асослар яратилди;

- қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг бозор муносабатларига мос механизмлари амалиётга жорий қилинди;

- республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига қондириш, энг асосийси, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилди;

- қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини молиялаштириш, кредитлаш, нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти ва бошқа йўналишларда бозор тамойилларига мос механизмлар жорий қилинди;

- аграр соҳада устувор йўналиш сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш стратегик жиҳатдан самарали йўл деб белгиланди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **мулкий-таркибий ислохотларда** энг аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган фермер ва деҳқон хўжаликларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Фермерларнинг ўзини ўзи бошқариши жараёнларини кучайтириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш мақсадида 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг Фермерлар уюшмасидан фарқ қилувчи муҳим белгилари қуйидагилардан иборат:

- нодавлат нотижорат ташкилот эканлиги;
- кенгаш ижро аппаратини алоҳида шахс бошқариши;
- Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг барча аъзолари фермер хўжаликлари раҳбарларидан ташкил топиши;
- юридик шахс мақомига эга бўлган ҳудудий тузилмаларнинг мавжудлиги;
- кенгашларнинг ҳуқуқшунос, иқтисодчи, ҳисобчи каби мутахассислар билан таъминланганлиги;
- кенгашлар муҳокамасига қўйилган масалалар очик ва кўпчилик овоз билан ҳал этилиши;
- кенгашларда тафтиш комиссияларининг мавжудлиги.

Бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида кичик бизнеснинг муҳим шакли сифатида фермерлик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилаяпти:

- фермер хўжаликларига ер участкаси бериш бўйича туман комиссияси таркибига туман фермерлари кенгаши раиси киритилади;
- фермер хўжаликлари томонидан контракция шартномаларини тузишда туман фермерлар кенгаши ҳуқуқшуноси иштирок этиши шарт;
- фермер хўжаликларига янги солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш бўйича қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда;
- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда;
- ривожланган давлатлар қонунчилиги ўрганилиб, амалиётга илғор хорижий тажрибалар жорий этилмоқда;

- қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни янада мақбуллаштириш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди.

Ўтказган тадқиқотларимизга кўра, ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;


- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маълумотларига кўра 2003-2012 йиллар оралиғида республикамизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 млрд. сўмдан 2012 йилда 1 630,7

млрд. сўмгача ошди (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. Республикада 2003-2012 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, млн. сўмда²⁵

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида **бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари** қўлланилади:

- янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш фермер хўжаликларига 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;

- фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари, ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида ҳарид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб,

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013

колган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлдилар. Бунда лизингдан фойдаланганлик учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **нарх ислохоти** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармонида асосан давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари кўтарилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30-декабрдаги ПҚ-1675-сон Қарорига асосан пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушаётган маблағларнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 218 627,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олишлари учун имкониятлар очади.

3.2. Қишлоқ ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантиришни ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида амалга ошириш чора-тадбирлари

Барчамизга маълумки, мустақилликдан кейинги ўтган қарийб 22 йил мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан, муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устивор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурс тежовчи усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобига, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал

ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробарга, картошка етиштиришни 1,4 баробарга, полиз ва узумни 1,3 баробарга кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озиқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизациялаш натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробарга, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробарга ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобига чорва моллари бош сонини 1,3 баробарга, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 мартага ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, паррандалар бош сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни -1,7 баробарга, гўшт консерваларини -2,2 баробарга, колбаса маҳсулотларини -1,8 баробарга, сут маҳсулотларини -1,9 баробарга ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийиб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобига 1,4 миллион гектар ер майдони мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган пакана ҳамда яримпакана мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонга янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга пакана ва ярим пакана (интенсив боғлар) боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экилиши (реконструкция) белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёردа таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимига эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимига эга мавжуд совутиш камераларини модернизациялаш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 сонли «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофик “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган.

2012 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати 541,65 млн. АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 10 та лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шундан, 2012 йилда қиймати 79,94 млн. АҚШ доллари тенг бўлган маблағлар ўзлаштирилиб, бу лойиҳалар асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқди.

3.2.1-жадвал

Республика бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, млрд.сўмда

Тадбирлар номи	Жами 2008-2012 йилларда	шу жумладан:				
		2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	310,3	22,4	57,3	63,8	81,6	85,2
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	313,5	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	127,6	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7
Жами	751,4	90,3	130,8	150,2	178,6	201,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2012 йиллар оралиғида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2109 минг гектардан 2192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан

118 минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти ката. Мутахассисларнинг фикрича томчилатиб суғоришнинг пахта экини майдонларида қўлланш орқали сув сарфини 30-40 %га, меҳнат сарфини 50-60 %га тежаш ва ҳосилдорликни 90-150 %гача ошириш мумкин.

Республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда республикамизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Шу кунгача 5495,8 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 1208,7 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 1662,7 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир. Истиқболда 2013 - 2017 йиллар оралиғида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада, ерларнинг унумдорлигини, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннари ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежовчи техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустақамлаш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 дона тракторлар, 3960 дона трактор тиркамалари, 3603 дона культиватор, 1076 дона дон ўриш комбайнлари ва бошқа техникалар харид қилинган.

3.2.2-жадвал

2006-2011 йилларда республика бўйича янги сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникалари

Техникалар номи	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2006-2011 йиллар давомида жами
Тракторлар, жами	2211	1652	2231	3007	2671	2124	13896
Ҳайдов тракторлари	634	164	454	191	378	546	2367
Чопиқ тракторлари	1182	1293	1174	1697	1359	1098	7803
Трактор тиркамалари	368	250	348	1421	691	882	3960
Культиваторлар	503	279	440	1433	633	315	3603
Чигит сеялкалари	352	178	237	215	320	552	1854
Плуглар	130	90	117	244	67	153	801
Дон ўриш комбайнлари	116	93	332	123	167	245	1076

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

Қишлоқ хўжалиги модернизациялаш дастурларида ўсимликчилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизациялашга ҳам алоҳида эътибор


қаратилмоқда. Сир эмаски, республикамизнинг чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамай, соҳада ўз ечимини қутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларини етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Республикамиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;
- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликлар муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экинларини майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, бунда лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кейинги чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2012 йиллар мобайнида Украина, Беларуссия, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 28174 бош насли голштинфриз (Германия, Польша), қора-ола (Белоруссия, Украина), қизил-чўл (Украина), симентал (Австрия) зотларга мансуб юқори маҳсулдор урғочи қорамоллар келтирилди.

Четдан келтирилган моллардан туғилган бузоқлар сони 55 519 бошга етди. Кейинги йилларида кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Ҳозирги кунда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 448 тага етказилиб, уларда 107751 бош юқори наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда. Биргина, 2012 йилда уларда 7,2 мингдан ортиқ насли моллар тайёрланди ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларига сотилди (3.2.1-расм).



3.2.1-расм. Республикамизга хорижий мамлакатлардан келтирилган насли қорамоллар сони²⁶

Чорва моллари наслини ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича наслчилик–селекция ишларида ҳам ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Завод типидagi наслчилик фермер хўжаликлари четдан келтирилган голштинфриз, бушуев, симентал, швиц, қора-ола ва қизил чўл зотли моллар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Аксарият наслчилик тоифасидаги хўжаликларда сигирлардан бир кунда 20-30 килограммдан ёки лактация давомида 6-7 минг кг.дан сут соғиб олинмоқда.

Республикамиз ҳукумати томонидан мамлакатимизда чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013

3.3. Вилоятда қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес шакли сифатида фермерликни ривожлантириш истиқболлари

Биз тадқиқотларимиз давомида республикаимиз ҳамда айрим вилоятларда КБХТ ривожланиши асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилини ҳам амалга оширдик. Ушбу таҳлилларимизга кўра КБХТнинг республикаимиз, жумладан Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидаги улуши йил сайин барқарор суръатларда ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин

Иқтисодиётнинг КБХТ секторида ушбу соҳадаги жами бандларнинг улуши 2007 йилда 75,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 78,8 фоизни ташкил қилди ёки иқтисодиётда жами 455,2 минг кишининг бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми – 55,3 фоизи (325,5 минг киши) хусусий сектор ҳамда 22,0 фоизи (129,7 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади (3.3.1-жадвалга қаранг).

Агар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши 2007 йилда 23,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 32,7 фоизга етган.

КБХТ субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18,2 фоизга ўсди ва 106033,1 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 26,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6,4 фоизга ўсиб, 769542,1 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ташкил қилди.

3.3.1-жадвалдан кўринадики, қурилиш-пудрат ишларида ҳам КБХТнинг улуши 2007 йилда 63,3 фоиздан 2011 йилда 84,9 фоизгача ошган. Транспорт соҳасида КБХТнинг улуши 2007 йилда 41,3 фоиздан 2011 йилда 95,1 фоизга, чакана савдода 42,0 фоиздан 42,7 фоизгача ошган.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 47,3 фоизи ёки 327610,9 млн. сўми (ўсиш 117,7 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 66,9 фоизи ёки 155189,5 млн. сўми (9,6 фоизга ўсган) кичик бизнесда шаклланди. Умумий хизмат кўрсатиш соҳасида эса КБХТнинг улуши 48,1 фоиздан 56,1 фоизгача ошган.

3.3.1-жадвал

**2007-2011 йилларда Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий
ривожланишининг асосий кўрсаткичларида КБХТ субъектларининг
улуши, % да²⁷**

№	Кўрсаткич номи	Йиллар				
		2007	2008	2009	2010	2011
1.	Вилоят ЯХМда КБХТ улуши	64,4	66,1	68,2	71,8	74,1
2.	Вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши	23,7	23,6	26,4	30	32,7
3.	Қурилиш-пудрат ишларида КБХТнинг улуши	63,3	62,3	72,5	83,3	84,9
4.	Транспортда КБХТнинг улуши	41,3	53,6	58,7	92,9	95,1
5.	Чакана савдода КБХТнинг улуши	42	43,9	47,5	49,2	42,7
6.	Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда КБХТнинг улуши	68,5	65,5	66,9	64,7	63,7
7.	Хизматлар кўрсатиш соҳасида КБХТнинг улуши	48,1	51,6	56,1	57,5	61,6
8.	Вилоят ташқи савдо айланмасида КБХТнинг улуши	20,6	33,1	29,3	28,1	29,8
9.	Вилоят умумий экспортида КБХТнинг улуши	10,4	11,3	7,5	9,3	7,1
10.	Вилоят умумий импортида КБХТнинг улуши	70	89,7	86,8	79	84,7
11.	Вилоятда жами бандлар сониди КБХТнинг улуши	75,5	76,6	77,4	78	78,8

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Биз тадқиқотимиз давомида объект сифатида қишлоқ ҳудудида кичик бизнес субъектларининг мисоли сифатида Боғот туманидаги “Бекчон сори” фермер хўжалигининг 2007-2011 йиллардаги айрим иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлилини амалга оширдик (3.3.2-жадвал).

“Бекчон сори” фермер хўжалиги Боғот туман ҳокимининг 20 йил қарорига кўра ташкил қилинган ва 80 га ерда дехқончилик билан шуғулланади.

²⁷ Хоразм вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилди.

3.3.2-жадвалдан кўринадик, 2007-2011 йилларда “Бекчон сори” фермер хўжалигида асосий экин сифатида пахта ва ғалла, макка бўлиб, асосий даромад ҳам айнан шу экинлардан олинган.


3.3.2-жадвал

2007-2011 йилларда Боғот туманидаги “Бекчон сори” фермер хўжалигининг айрим иқтисодий кўрсаткичлари

тармок номи	2007	2008	2009	2010	2011
Жами даромад	58410602	78873963	83460491	130284762	202645860
шундан					
пахта	39637962	49634190	29912617	81129632	96276610
ғалла	10081448	18996777	36542921	49155130	28336750
шоли	6690192		5599500		
макка		2839896			78032500
оқ жўхори		3306000			
сабзавот		1401900			
техника хизмати(ижара ҳақи)	2001000	2400000	6000000		
аҳолига пуллик хизмат		295200	4118200		
кунгабоқар сотиш			684614		
бир йиллик ўт			602639		
Жами харажатлар	51723379	60230011	47024220	90177872	125731303
Шундан					
Пахта	37482025	40415597	22568442	63720123	76135582
Ғалла	9232579	10580482	16166503	26457749	19765378
Шоли	4645067		3555683		
Макка		2794040			29830343
Оқ жўхори		3080667			
сабзавот		1364067			
техника хизмати(ижара ҳақи)	363708	1710290	2210000		
аҳолига пуллик хизмат		284868	1270637		
Кунгабоқар			668961		
бир йиллик ўт			583994		
Рентабеллик %	11,3	13,1	17,7	14,4	16,1
тармоқлар фойдаси ва зарари	6687223	18643952	36436271	40106890	76914557
В.М нинг қарори буйича дотациялар	0	0	7351000	4100200	5729000
Бошқа харажатлар	740609	7174177	1578494	8236647	22865841
Йил якунидаги хўжалик фойдаси ва зарари	5946614	11469775	42208777	35970443	59777716

Қуйидаги 3.3.1-диаграммада “Бекчон сори” фермер хўжалигининг 2012 йил 1 январ ҳолатига даромадларининг экин турлари бўйича таркиби

келтирилган.




3.3.1-диаграмма. “Бекчон сори” фермер хўжалигининг даромадларининг экин турлари бўйича таркиби

Пахтадан олинadиган даромад умумий даромаднинг 47 фоизини ёки 96 млн.766 минг 610 сўмни ташкил қилади. Ғалладан олинadиган даромад умумий даромаднинг 39 фоизини ёки 78 млн. 32 минг 500 сўмни ташкил қилади. Маккадан олинadиган даромад эса умумий даромаднинг 14 фоизини ёки 28 млн.336 минг 750 сўмни ташкил қилади.

“Бекчон сори” фермер хўжалигининг 2012 йил 1 январ ҳолатига пахтага кетадиган харажати умумий харажатнинг 60 фоизини ёки 76 млн.135 минг 582 сўмни ташкил қилади. Ғаллага кетадиган харажати умумий харажатнинг 16,0 фоизини ёки 19 млн. 765 минг 378 сўмни ташкил қилади.


Маккага кетадиган харажатлари эса умумий харажатнинг 24,0 фоизини ёки 29 млн.830 минг 343 сўмини ташкил қилади (3.3.2-диаграмма).



3.3.2-диаграмма. “Бекчон сори” фермер хўжалиги харажатларининг экин турлари бўйича таркиби

2007-2009 йилларда фермер хўжалигида бошқа экин турлари жумладан, оқ жўхори, шоли ва сабзавот ҳам экилиб келинган. Аммо, 2010 йилдан бошлаб фақат пахта, ғалла ва макка жўхори экилиб келинмоқда.

Фермер хўжалигининг 2007-2011 йилларда рентабеллик кўрсаткичларининг динамикаси 11,3 фоиздан 16,1 фоизгача фермер хўжалигининг рентабеллиги ошганлигини кўрсатади.



3.3.3-диаграмма. “Бекчон сори” фермер хўжалиги харажатларининг экин турлари бўйича таркиби

Қишлоқда кичик бизнес субъекти сифатида “Бекчон сори” фермер хўжалиги раҳбарияти бугунги кунда 11 нафар кишини иш билан таъминлаб, истиқболда яна 5 нафар иш ўринлари яратишни, балиқчилик ва сутни қайта ишлаш бўйича кичик цех ташкил қилишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкый муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини

такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- наслчиликни тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;

- озука экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражаларига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озукаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуктаи назаридан:

- қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

- ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

III-боб бўйича хулосалар

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини тақомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини тақомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот ишида қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни барқарор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф** ва **амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Кичик тадбиркорликка такомиллашган таъриф берилди: кичик тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятidir.

2. Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш асосан икки йўналишда: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариши кўринишида бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ривожланишига боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи корхоналарнинг моддий базасида инфратузилма йўналишлари бўйича кооперацияни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

4. Фикримизча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастуридаги энг муҳим йўналишлардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларида кичик бизнеснинг устувор шакли бўлган фермерликни ривожлантириш йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлмоғи керак:

- аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор

тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

- қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

- сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

- қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда бунда қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зарарқунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

- чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш

- ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

- ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб

чиқиш.

- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

5. Қишлоқ жойларда кичик бизнес субъектларига хусусан фермерларга сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

6. Аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хом ашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

- экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

- хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш.

7. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Фикримизча, юқоридаги келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш минтақада қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес субъектларининг янада ривожланишига олиб келади деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХII сон Қонуни билан тасдиқланган. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
- 1.2. “Фуқаролик кодекси”. I-қисм, 1995 йил 21 декабр.
- 1.3. “Фуқаролик кодекси”. II-қисм, 1996 йил 29 август.
- 1.4. “Солиқ Кодекси” (янги таҳрири). 2008 йил 1 январ.
- 1.5. “Божхона Кодекси”. 1998 йил 3 январ.
- 1.6. “Ижара тўғрисида”. Қонун. 1991 йил 19 ноябр.
- 1.7. “Лизинг тўғрисида”. Қонун. 1999 йил 14 апрел.
- 1.8. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”. Қонун. 24.12.1998 й.
- 1.9. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. Қонун. 2000 йил 25 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги № ПҚ-1317-сон Қарори (Илова № 1);

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли банк кредитларининг улушини оширишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сон Қарори;

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сон Қарори;

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта

жиҳозлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сон Фармони.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сон Қарори;

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3122-сон Фармони;

2.7. “Ўзбекистон Республикасини БМТ Халқаро институтининг Халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни (unidroit) унификациялаш бўйича Конвенциясига қўшилиш тўғрисида” ЎЗР Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги 84-II-сон қарори.

2.8. ЎЗР банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР АВ томонидан рўйхатга олинган 20.07.1999 й. N 776, тасдиқланган ЎЗР Марказий банки 07.05.1999 й. N 327) – 1-бет.

2.9. “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 24 апрелдаги 199-сон қарори.

III. Президент асарлари ва маърузалари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси \\\ Халқ сўзи. 2013 йил, 19-январь. № 21. 3-бет.

3.2. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

мажлисидаги “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаси \\\ Халқ сўзи. 2011 йил, 22 январ. 2- бет.

- 3.3. Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузаси \\\ www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/1766#karimov
- 3.4. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56-б.
- 3.5. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 173-бет.
- 3.6. И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005 й., 1-3-бетлар.

IV. Илмий адабиётлар:

- 4.1. Абдуллаев С.П., М.А. Абдурахмонов, А.Ғ. Мўминов, З.Р.Ҳамидова. Лизинг бу нима? Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2006 й.
- 4.2. Газибеков Д.Ғ., Сабилов О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. – Т.: Молия, 2001. – 132 с.
- 4.3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Т.: Меҳнат, 2000.
- 4.4. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил. - Т.: Меҳнат, 2001. - 159-161-бетлар.
- 4.5. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб: Питер, 1999, с.127
- 4.6. Ансофф И. Стратегический менеджмент. - Москва: Юнити, 2001.-11 с.
- 4.7. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003.

- 4.8. Авесто. Тошкент: Шарқ, 2001 й., 111-121-бетлар.
- 4.9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: 1991, 38-бет.
- 4.10. Алишер Навоий. Махбуб ул кулуб. Тошкент., 1993.
- 4.11. Амир Темура. Темура тузуклари. 67-98-бетлар
- 4.12. Бобур З.Н. Бобурнома. Тошкент., 1989 й.
- 4.13. Беркинов Б.Б. Касаначиликка асосланган кооперация. - Т.: ТДИУ, 2006.
- 4.14. Бусыгин А.В. Предпринимательство. - М.: ФиС, 2005. – 537 с.
- 4.15. Белых Н.Ю. Социально-экономическая политика и эффективное управление развитием малого и среднего бизнеса. - М.: Юнити, 1998. – 83 с.
- 4.16. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Т.: Шарқ, 2002. 324-б.
- 4.17. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. - Тошкент.: Иқтисодиёт-молия, 2006. – 320-б.
- 4.18. Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ., Абдурахмонов В. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – 70-бет.
- 4.19. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. и.ф.д., профессор Д.Ғ. Ғозибеков умумий таҳрири остида. Т.: «Fan va texnologiya», 2004 й.
- 4.20. Лизинг в центральной Азии и Азербайджане. Международная Финансовая корпорация, IFC\ SECO 2007 г., апрель.
- 4.21. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.: ДЖҚА, 2001. – 141-б.
- 4.22. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, амалиёт ва услубиёт.-Т.: Фан. 2007. – 274-б.
- 4.23. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: Шарқ, 2006. – 386-б.
- 4.24. Чекмарева Е.Н. Лизинговый бизнес. - М.: Экономика, 1994.
- 4.25. Адамов Н., Тилов А. Лизинг: правовая сущность, экономические основы, учет и налогообложение. - СПб.: Питер, 2007.
- 4.26. Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник. - М.:”Дашков и К”, 2003.

- 4.27. Газман В.Д. Лизинг: статистика развития. М: ГУ ВШЭ, 2008. – 591 с.
- 4.28. Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг. - М.: Фонд, 1999.
- 4.29. Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, международная унификация. - М.: ИНФРА-М, 1991.
- 4.30. Ангелиди М.С., Газибеков Д.Г. Лизинговый кредит на технический прогресс. - Т.: Узинформагропром, 1991.

V. Диссертация ва авторефератлар:

- 5.1. Айнакулов М.А. Кичик корхоналарнинг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш (Жиззах вилояти мисолида). иқт. фан. ном. дисс....автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 2004. - 21 б.
- 5.2. Амбарцумян А.А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рынку.: Автореф. дисканд. экон. наук. – Ташкент.: 1996. -27 б.
- 5.3. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док....дисс. Тошкент:ЎЗМУ. 2004. - 276 б.
- 5.4. Мадрахимов Қ.Э. Совершенствования функционирования инфраструктуры малого предпринимательства.: Автореф.дисс.кан. экон. наук. Т.: ИЭ АН РУз. 2005. -23 с.
- 5.5. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт. фан. док. дисс - Т.: ТДИУ. 2008.– 325 б.
- 5.6. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.

VI.Статистик маълумотлар, тўплamlар ва ҳисоботлар:

- 6.1. Ўзбекистон Республикаси ДСҚнинг ҳисобот тўплamlари. 2001-2011 йй.
- 6.2. Основные показатели развития МБЧП Республики Узбекистан за 1999-2011 гг. Госкомстат РУ. Статистический бюллетень. Т.ГКС. 2000-2012 гг.

- 6.3. Хоразм вилоятида фермер хўжаликларининг асосий кўрсаткичлари. Урганч 2012 й.
- 6.4. Боғот тумани “Бекчон сори” фермер хўжалигининг ҳисобот маълумотлари. 2009-2012 йй.

VII. Журнал ва газеталар, конференция материаллари:

- 7.1. Кутбиддинов А. Лизинг – современный метод приобретения. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 25-26.
- 7.2. Трынин Д.И. Особенности лизинга в промышленно-развитых странах. // М.: Ж. Финансовый менеджмент, 2004, №3. – С. 28-30.
- 7.3. Йўлдошев Қ.Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари. – Андижоннома, 1998.
- 7.4. Клепач А., Яковлев А. О роли крупного бизнеса в современной российской экономике // Вопросы экономики. – Москва. 2004. - №8. -С. 36-45.
- 7.5. Салаев С.К. и другие. Особенности и преимущества лизинговых партнёрских отношений субъектов малого бизнеса на автотранспорте. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 24-25.
- 7.6. Салаев Ж.К. Аграр соҳани модернизация қилиш шароитида Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожланиши хусусиятлари // Илм сарчашмалари, 2012, май, №5. - С. 11-14.

VIII. Интернет тармоғи веб-сайтлари ва манзиллари:

- 8.1. [http:// www.stat.uz/](http://www.stat.uz/) – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси.
- 8.2. [http:// www.antimon.uz/](http://www.antimon.uz/) – Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси.
- 8.3. <http://www.ula.uz/> – Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси.
- 8.4. <http://www.ceep.uz/> – «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ.